

Абу Муҳаммад Марвазийнинг саховати



08:00 / 28.12.2020 2475

Мусъаб ибн Аҳмад ибн Мусъаб айтади: «Абу Муҳаммад Марвазий Маккага кетмоқчи бўлиб, Бағдодга келди. Мен унга шерик бўлишни орзу қилардим. Унинг олдига келиб, шерик бўлишга рухсат сўрадим. Лекин у менга рухсат бермади. Марвазий иккинчи ва учинчи йили ҳам келди. Олдига бориб, салом бериб, яна рухсат сўрадим. У: «Бир шартга кўра рози бўламан. Иккимиздан биримиз бошлиқ бўламиз ва ким бошлиқ бўлса, шерик унга қарши чиқмайди», деди. Мен: «Майли. Сиз бошлиқ бўлинг», дедим. «Йўқ, сен бўласан», деди. «Ёшингиз катта, сиз лойиқроқсиз-ку?» десам, «Менга қарши чиқма!» деди. Рози бўлдим. Бирга йўлга чиқдик. Таом келса, «Олдин сен оласан», дер эди. Кўнмасам, «Қарши чиқиш йўқ деб шарт қўйганмиз», дер эди. Унга зарар берганим, уринтириб қўйганим учун йўлга бирга чиққанимга афсусландим. Бир куни кетаётсак, қаттиқ ёмғир қуйиб юборди. У менга: «Эй Абу Аҳмад, милни (Йўлда адашиб кетмаслик вамасофани

аниқлаш мақсадида сафарда юрганлар учун ўрнатилган тош) топ», деди. Топсак, «Милнинг тагига ўтир», деди. Мени ўтирғизиб қўйиб, тепамда қўлини чўзиб, мени пана қилиб турди. Унга етаётган зарарларни кўриб, бирга чиққанимга яна афсусландим. Кейин билсам, унинг одати шунақа экан. Маккага етиб боргунимизча мени ёмғирдан сақлаб, барча кўнгилсизликлардан ҳимоя қилиб кетди. Аллоҳ у зотдан рози бўлсин».

«Солиҳлар гулшани» китобидан